


**VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР  
 ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ**  
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 22353 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 21269 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,2% ини ташкил қилди.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг  
 ҳудудлар бўйича тақсимланиши**  
*(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)*

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Наманган вилояти</b>	<b>22353</b>	<b>100,0</b>	<b>21269</b>	<b>100,0</b>
<i>туманлар:</i>				
Наманган ш	8656	38,7	8144	38,3
Мингбулоқ	864	3,9	859	4,0
Косонсой	1303	5,8	1245	5,8
Наманган т	1570	7,0	1504	7,1
Норин	904	4,1	878	4,1
Поп	1205	5,4	1124	5,3
Тўрақўрғон	1409	6,3	1320	6,2
Уйчи	1323	5,9	1309	6,2
Учқўрғон	1102	4,9	1080	5,1
Чортоқ	1134	5,1	1086	5,1
Чуст	1797	8,0	1701	8,0
Янгиқўрғон	1086	4,9	1019	4,8

## Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, %




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 24,2%), саноат (20,0%), қурилиш (7,4%), қишлоқ ва ўрмон хўжалиги (7,3%) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатдан ўтган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (38,7%), Чуст (8,0%), Наманган (7,0%) ва Тўрақўрғон (6,3%) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**  
(2019 йилнинг 1 январбрь ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан % да	бирлик	жамига нисбатан % да
<b>Жами</b>	<b>22353</b>	<b>100,0</b>	<b>21269</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ ва ўрмон хўжалиги	1635	7,3	1560	7,3
саноат	4471	20,0	4345	20,4
қурилиш	1650	7,4	1525	7,2
савдо	5412	24,2	4993	23,5
ташиш ва сақлаш	820	3,7	789	3,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	908	4,1	847	4,0
ахборот ва алоқа	347	1,5	328	1,5
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	522	2,3	512	2,4
бошқа турлари	6588	29,5	6370	30,0

Фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %





Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонида фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 95,2% ни, шу билан бирга жами корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 4,8% ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда ва бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 0,4% камайган.

## Корхоналар ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, %

01.01.2018 й.

01.01.2019 й.




■ Фаолиятсизлар

■ Фаолият кўрсатаётганлар


2019 йил 1 январь ҳолатига 16975 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 5658 та, оилавий корхоналар – 318 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 10570 тани ва 429 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

## Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда




2018 йилнинг январь-декабрь ойларида жами 3199 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, ёки 2017 йилнинг шу даврига нисбатан 25,3% кўпроқ. Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (1141 та), Чуст (232 та), Уйчи (219 та), Тўрақўрғон (208 та) ва Наманган (205 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса, Янгиқўрғон (140), Косонсой (165 та) ва Мингбулоқ (174 та) туманларига тўғри келади.

### Худудлар бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг сони, бирликда



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг улуши савдода 21,7%, саноатда 28,4%, қурилишда 6,7% ва қишлоқ ва ўрмон хўжалигида 9,1% ни ташкил этади.

## Янги ташкил этилган корхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %



2019 йил 1 январь ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 16975 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2017 йил шу даврига нисбатан 6,4% га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 6919 таси (жами субъектларнинг 40,8%) Наманган шаҳрига, 1366 таси (8,1%) Чуст, 1264 таси (7,4%) Наманган ҳамда 1043 таси (6,1%) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 608 таси (3,6%) Мингбулоқ, (624 таси (3,7%) Норин, 731 таси (4,3%) Янгиқўрғон, 784 таси (4,6%) Поп, 789 таси (4,6%) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг  
ҳудудлар бўйича сони**

	<b>2018 йил 1 январь ҳолатига</b>		<b>2019 йил 1 январь ҳолатига</b>	
	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан % да</b>	<b>бирлик</b>	<b>жамига нисбатан % да</b>
<b>Наманган вилояти</b>	<b>15949</b>	<b>100,0</b>	<b>16975</b>	<b>100,0</b>
<i>туманлар:</i>				
Наманган ш	7007	43,9	6919	40,8
Мингбулоқ	533	3,3	608	3,6
Косонсой	829	5,2	982	5,8
Наманган т	1203	7,6	1264	7,4
Норин	528	3,3	624	3,7
Поп	711	4,5	784	4,6
Тўрақўрғон	893	5,6	1037	6,1
Уйчи	878	5,5	1043	6,1
Учқўрғон	727	4,6	789	4,6
Чортоқ	732	4,6	828	4,9
Чуст	1250	7,8	1366	8,1
Янгиқўрғон	658	4,1	731	4,3

Фаолият кўрсатаётган жами 16975 дан ортиқ кичик тадбиркорлик субъектларининг 4967 таси (29,3%) - савдода, 4304 таси (25,3%) - саноатда, 1521 таси (9,0%) - қурилишда, 1533 таси (9,0%) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 843 таси (5,0%) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 779 таси (4,6%) - ташиш ва сақлашда, 308 таси (1,8%) - ахборот ва алоқа соҳасида, 414 таси (2,4%) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, шунингдек 2306 таси (13,6%) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, %




Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 5,4% ни (969 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 тага камайган.

Ҳисобот даврида 1925 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 242 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 12,6%) ихтиёрий тугатиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар.** 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 138 тани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 35 тага ёки 34,0% га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 96 таси қўшма корхоналар, 42 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналар таркибида қўшма корхоналар ва  
хорижий корхоналарнинг сони, бирликда**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 43 та (38,4%), Косонсой 13 та (9,4%), Тўрақўрғон ва Уйчи 11 тадан (7,9%), Чортоқ 10 та (7,2%) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида ташкил этилган корхоналар Мингбулоқ 2 та (1,4%), Учқўрғон ва Янгиқўрғон 5 тадан (3,6%), Наманган ва Норин 6 та (4,4%) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги  
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши  
(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Наманган вилояти</b>	<b>138</b>	<b>100,0</b>
<i>туманлар:</i>		
Наманган ш	53	38,4
Мингбулоқ	2	1,4
Косонсой	13	9,4
Наманган т	6	4,4
Норин	6	4,4
Поп	8	5,8
Тўрақўрғон	11	8,0
Уйчи	11	8,0
Учқўрғон	5	3,6
Чортоқ	10	7,2
Чуст	8	5,8
Янгиқўрғон	5	3,6

Фаолият кўрсатаётган 138 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 93 таси (67,4 %) саноат, 15 таси (10,9 %) савдо, 10 таси (7,2 %) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 5 таси (3,6 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 3 таси (2,2 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 2 таси (1,5 %) ахборот ва алоқада, 1 таси (0,7 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 9 таси (6,5 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар ҳамда ахборот ва алоқа фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши  
(2019 йилнинг 1 январь ҳолатига)**

	<b>бирлик</b>	<b>Жамига нисбатан % да</b>
<b>Жами</b>	<b>138</b>	<b>100,0</b>
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	10	7,2
саноат	93	67,4
савдо	15	10,9
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	5	3,6
ташиш ва сақлаш	1	0,7
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	2,2
ахборот ва алоқа	2	1,5
бошқа турлари	9	6,5

2018 йилнинг январь-декабрь ойида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 42 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич эса ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 25 тага кўпайган ёки 2,4 баробарга ошган.

Бунда, Россия Федерацияси ва Корея Республикаси резидентлари капитали иштирокида – 11 тадан, Туркия Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси – 5 тадан, Қозоғистон Республикаси ва Исроил давлати – 3 тадан, Афғонистон, Камерун Республикаси, Нидерландия ҳамда Тожикистон Республикалари билан – 1 тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.


42 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳри (13 та), Косонсой (7 та), Тўрақўрғон ва Чортоқ (4 тадан), Норин ва Чуст (3 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг энг кам ташкил этган вилоятлар қаторига Мингбулоқ, Наманган, Поп ва Янгиқўрғон (1 тадан) туманларини киритиш мумкин.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг  
худудлар кесимидаги сони ва улуши**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан % да</i>
<b>Наманган вилояти</b>	<b>42</b>	<b>100,0</b>
<i>туманлар:</i>		
Наманган ш	13	30,9
Мингбулоқ	1	2,4
Косонсой	7	16,7
Наманган т	1	2,4
Норин	3	7,1
Поп	1	2,4
Тўрақўрғон	4	9,5
Уйчи	2	4,8
Учқўрғон	2	4,8
Чортоқ	4	9,5
Чуст	3	7,1
Янгиқўрғон	1	2,4

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 16 та, савдода 5 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 5 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда



**Оилавий корхоналар.** Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони - 2019 йил 1 январь ҳолатига 323 тани ташкил этиб, улардан 318 таси ёки 98,4% фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 26,7% га ошганлигини таъкидлаш лозим.